



## THE HISTORICAL EVOLUTION OF ARAB NATIONAL IDENTITY AND ITS IDEOLOGICAL AND CULTURAL FACTORS

*Aziz Rizayev*

*Doctor of Philosophy (PhD) in Political Science*

*Independent Researcher at Tashkent State University of Oriental Studies*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** national identity, identity, Arab identity, Arabs, cultural codes, Islam, Arabic language, colonialism, globalization, ethnosymbolism, pan-Arabism.

**Received:** 19.12.25

**Accepted:** 20.12.25

**Published:** 21.12.25

**Abstract:** The article examines Arab national identity as a multifaceted process shaped at the intersection of historical, cultural, religious, and political factors. It highlights the role of the Arabic language and Islam, the ideological functions of historical memory and post-colonial experience, as well as the impact of globalization on cultural self-perception. The study addresses the consequences of colonialism, the efforts of intellectuals to reconstruct national identity, and the emergence of hybrid forms of self-identification. The role of the intellectual elite in shaping the Arab national narrative is demonstrated, while identity is interpreted as a constructive, dynamic phenomenon open to historical transformation.

## АРАБ МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИГИНИНГ ТАРИХИЙ ЭВОЛЮЦИЯСИ ВА МАФКУРАВИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ

*Азиз Ризаев*

*Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

*ТДШУ мустақил тадқиқотчиси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** миллий идентиклик, идентиклик, араб идентиклиги, араблар, маданий кодлар, ислом дини, араб тили, мустамлакачилик, глобаллашув, этносимволизм, панарабизм.

**Аннотация:** Мақолада араб миллий идентиклигининг генезиси тарихий, маданий, диний ва сиёсий омиллар кесишувида шаклланган кўп қиррали жараён сифатида таҳлил қилинади. Араб тили ва ислом динининг роли, тарихий

хотира ва постмустамлакачилик тажрибасининг мафкуравий функциялари, глобаллашувнинг маданий ўзликка таъсири очиб берилди. Мустамлакачиликнинг оқибатлари, зиёлиларнинг миллий идентикликни қайта шакллантириш ҳаракатлари ва гибрид идентикликларнинг вужудга келиши ёритилди. Интеллектуал элитанинг араб миллий нарративини яратишдаги ўрни кўрсатиб берилди, идентиклик конструктив, динамик ва тарихий ўзгаришларга очиқ феномен сифатида талқин этилади.

---

## ИСТОРИЧЕСКАЯ ЭВОЛЮЦИЯ АРАБСКОЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕНТИЧНОСТИ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИЕ И КУЛЬТУРНЫЕ ФАКТОРЫ

*Азиз Ризаев*

*Доктор философии (PhD) по политическим наукам*

*независимый исследователь Ташкентского государственного университета востоковедения*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** национальная идентичность, идентичность, арабская идентичность, арабы, культурные коды, ислам, арабский язык, колониализм, глобализация, этносимволизм, панарабизм.

**Аннотация:** В статье арабская национальная идентичность анализируется как многослойный процесс, сформировавшийся на пересечении исторических, культурных, религиозных и политических факторов. Раскрывается роль арабского языка и ислама, идеологические функции исторической памяти и постколониального опыта, а также влияние глобализации на культурное самосознание. Освещаются последствия колониализма, усилия интеллектуалов по переосмыслению национальной идентичности и формированию гибридных моделей самоидентификации. Показана роль интеллектуальной элиты в конструировании арабского национального нарратива. Идентичность интерпретируется как конструктивный и динамичный феномен, обладающий способностью к адаптации и открытостью по отношению к историческим трансформациям.

---

**Кириш.** Араб давлатларида миллий идентиклик XX–XXI асрлар давомида илмий муаммо сифатида сиёсатшунослик, шарқшунослик ва социологиянинг асосий тадқиқот

йўналишларидан бирига айланган. Араб миллий идентиклиги генезиси тарихий, маданий, диний ва сиёсий омиллар кесишувида шаклланган мураккаб, кўп қатламли жараён бўлиб, унинг илмий таҳлили ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади. Араб дунёсида миллий мансублик ҳиссининг шаклланиши тарихий хотира, ислом дини, араб тили, умумий рамзлар тизими ва зиёли қатлам фаолияти каби социомаданий омиллар билан бевосита боғлиқ. Тарихий ривожланиш натижасида юзага келган араб миллий идентиклиги анъанавий ва модернистик унсурлар таъсирида намоён бўлувчи кўп қиррали ижтимоий-сиёсий феномен ҳисобланади.

Араб миллий идентиклигининг шаклланиши тил, дин, маданий хотира, адабий мерос ва постколониал тажриба каби омиллар уйғунлиги асосида кечган. Буни маданий ўз-ўзини англаш, ташқи таъсирларга нисбатан маънавий қаршилик кўрсатишга қаратилган динамик жараён сифатида баҳолаш мумкин. Араб миллий идентиклигининг мазмуни анъанавий қадриятларни замонавий сиёсий ва маданий шароитлар билан уйғунлаштириш, тарихий меросни сиёсий ва маънавий бирлик пойдеворида айлантира олишда кўринади. Глобаллашув таъсири ва ички зиддиятларга қарамасдан, араб идентиклиги жамиятнинг ўзини англаши, маданий узвийлик ва минтақавий барқарорликни таъминловчи маънавий-мафкуравий омил бўлиб қолмоқда. Шу маънода араб идентиклиги ўтмиш ва бугунни, анъана ва замонавийликни боғловчи маънавий кўприк вазифасини бажаради.

Араб тадқиқотчилари миллий идентикликни ўзгармас категория эмас, балки маданий реконструкция натижаси сифатида талқин қилади. Араб дунёси мисолида бу жараён мустамлакачилик, постмустамлакачилик дискурслари ва глобал трансформациялар таъсирида шаклланган. Эдвард Саид таъкидлашича, Шарқ образи асрлар давомида Ғарб тасавури орқали “тасвирланган” бўлиб, айнан мана шу ташқи конструкцияга муносабат доирасида арабларнинг ўз миллий ўзлигини қайта англаш жараёни юз берган. Араб идентиклиги генезисининг таҳлил унинг концептуал илдизлари илк ислом даврига бориб тақалишини кўрсатади. Ислом дини ва араб тили маконининг шаклланиши кейинчалик араб давлатларига нисбатан ягона маданий-цивилизацион ҳудуд сифатида муносабатда бўлиш учун асос яратган.

Этносимволик ёндашув ушбу жараённи кўхна этник рамзлар, мифлар ва анъаналарнинг қайта маъноланиши, уларнинг миллий нарративлар шаклидаги институционаллашуви деб талқин қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан, араб миллий идентиклиги фақат сиёсий воқелик эмас, балки тарихий хотира, маданий архетиплар ва рамзий қадриятларга таянган маънавий идентиклик кўринишида ифодаланади. Зеро, этносимволик мерос араб миллий ўзлигини шакллантирган асосий манбалардан бўлиб, жамиятдаги сиёсий лойиҳаларни маънавий жиҳатдан легитимлаштиради. Шу жиҳатдан

XIX аср охири – XX аср бошларидаги “Ан-Наҳда” араб ренессанси деб номланган давр араб миллий идентиклигининг маданий кодлари яратилишида муҳим босқич бўлди.

Мазкур даврнинг Бутрус ал-Бустаний, Муҳаммад Абду, Жамолиддин ал-Афғоний каби зиёлилари таълим, араб тили сиёсати ва диний тафаккурни модернизация қилиш орқали араб маданий бирлигини қайта тиклашга интилдилар. Уларнинг илмий тадқиқотларида Ғарб мустамлакачилиги ва маданий таъсирга қарши умумараб маданий бирлик ғояси илгари сурилади. Қайд этилишича, араб идентиклиги ҳеч қачон мутлақ яхлит эмас, балки ички парчаланишларга эга. Қабилавий ва мазҳаб бўйича ўзини англаш шакллари миллий ўзликни заифлаштирган бўлса-да, араб дунёси тил ва тарихий хотира атрофида умумий маданий ядрони сақлаб қолган ва у араб идентиклигининг изчиллигини таъминлаб келмоқда.

Араб тили ва ислом дини араб миллий идентиклигининг маънавий-маданий ўзагини ташкил этади. Бунда араб тили мулоқот воситаси бўлиш билан бирга, ислом дини ва классик адабиётни акс эттирувчи, цивилизацион мансублик рамзи сифатида намоён бўлади. Араб тили миллий идентикликнинг асосий рамзи сифатида араб маданияти, тарихий хотира ва қадриятлар тизими узлуксизлигини таъминловчи восита деб талқин этилади. Ислом фақат диний институт эмас, балки ижтимоий меъёрларга, ахлоқий қадриятларга ва ҳаёт тарзига таъсир қилувчи маданий код вазифасини бажаради. Умнат концепти эса араб жамиятларини бирлаштирувчи мафкуравий асос бўлиб хизмат қилади. Лекин Ливан, Иордания, Ироқ, Миср, Сурия, Судан каби кўп миллатли ва кўп конфессияли давлатларда баъзан диний тафовут араб идентиклигини ҳам бирлаштирувчи, ҳам фарқловчи негизи бўлган.

Мустамлакачилик ҳозирги араб идентиклигини шакллантирувчи асосий катализаторлардан бири бўлди. Европанинг сиёсий-иқтисодий ва маданий ҳукмронлиги араб дунёсида ўз маданий алоҳидалигини англашни кучайтирди, миллий-озодлик ҳаракатларини юзага келтирди. Ф.Фанон фикрича, мустамлакада яшовчи инсон ўз-ўзини тушунишга колонизатор билан қарама-қаршилик орқали етади. Эдвард Саиднинг постмустамлакачилик концепцияси араб идентиклигини таҳлил қилишда муҳим назарий бурилиш яратди. Э.Саид “Шарқ”ни Ғарб томонидан маданий устунликни асослаш мақсадида яратилган ғоявий конструкция деб талқин қилади .

Н.ал-Қарний ва Ф.ал-Хурий таъкидлашича , постмустамлакачилик даври араб нарративлари фақат Ғарб дискурсларини танқидий парчалаш билан чекланмади, балки идентикликнинг локал моделларини ҳам вужудга келтирди. Айрим араб жамиятлари “адаптацион модернизм” стратегиясини танлаб, Ғарб модели элементларини қабул қилган ҳолда анъанавий пойдеворни сақлашга интилди. Шу боис постмустамлакачилик

субъектлиги Ғарбга қарши шаклда эмас, балки маданий синтез кўринишида ҳам намоён бўлди.

Канаданинг Оттава университети ҳузуридаги Канада-араб тадқиқот гуруҳи эксперти Салам Хава араб идентиклигидаги инқирозни асрлар давомида тўпланган маданий ва сиёсий парчаланиш, ташқи империк босимлар ва ички ғоявий зиддиятлар оқибати деб талқин қилади. Унинг фикрича, яхлит араб идентиклигининг шаклланиши мустамлакачилик маъмуриятлари ҳамда ички ғоявий тизимлар, жумладан, диний доғмалар ва XX аср миллий лойиҳалари таъсирида издан чиқарилган. Айнан мазкур омиллар йиғиндиси араб дунёсида чуқур “идентиклик инқироzi”ни юзага келтирган. Араб сиёсий ва маданий идентиклиги ривож тарихий-антропологик, ижтимоий-маданий ва сиёсий-фалсафий ёндашувлар уйғунлигида таҳлил қилинади. Бу ёндашув идентикликни кўп ўлчовли жараён сифатида изоҳлашга имкон беради.

Араб идентиклигини таҳлил этишда жамоавий хотира ва ижтимоий унутиш феноменлари марказий ўрин тутган. М.Хальбвакс томонидан ишлаб чиқилган жамоавий хотира назарияси гуруҳ идентиклигини шакллантиришда ўтмиш ҳақидаги умумий тасаввурларнинг ҳал қилувчи ролини асослаб беради. Б.Андерсоннинг “тасаввур қилинган жамоалар” концепцияси миллий ўзлик умумий рамзий тизимлар ва тарихий нарративлар орқали шаклланишини кўрсатади. П.Рикёр тадқиқ этган ижтимоий механизмлари идентиклик нарративларини селектив тарзда қуриш воситаси сифатида намоён бўлади. Яъни қайси ўтмиш воқеалари жамоавий хотирада сақланиб қолиши ва қайсилари ундан сиқиб чиқарилиши айнан шу жараёнлар орқали белгиланади.

Араб контекстида жоҳилият мероси, ислом фатҳлари, мустамлакачилик ва постмустамлакачилик араб миллий идентиклигини шакллантирган асосий тарихий қатламлар ҳисобланади. Улар турли даврларда қайта талқин қилиниб, ҳозирги араб идентиклигининг турли конфигурацияларини белгилаган. Ижтимоий-маданий меъёрлар ва локал ҳуқуқий анъаналар араб миллий идентиклигининг кадриятлар тизимида муҳим ўрин тутуди. Араб ҳуқуқий анъаналари ислом шариати ва маҳаллий урф-одатлар уйғунлигида шаклланган. Адабиёт ва санъат араб жамоавий онгининг расмий дискурсларда акс этмайдиган яширин идентификация моделларини очиб беради. Хусусан, араб шеърияти асрлар давомида маданий хотирани сақлаб келган бўлса, мусиқа ва рақс эса араб маданий маконининг бирлиги ва хилма-хиллигини ўзида намоён қилган.

Идентикликни динамик тизим сифатида тушуниш уни эссенциалистик ёндашувлардан ажратувчи асосий методологик тамойилдир. Зигмунд Бауман таклиф этган "жорий замонавийлик" концепцияси ва Жудит Батлернинг перформатив идентиклик назарияси шахсий идентикликни доимо ўзгариб турувчи жараён деб изоҳлайди. Араб

идентиклигининг кабилавийдан панарабизмга, кейин миллий-давлатга ва ниҳоят трансмиллий шаклларга босқичма-босқич ўтиши ушбу динамик ҳолатнинг тасдиғидир. Идентикликни тушунишда “Бошқа” категорияси муҳим назарий ва амалий функцияга эга. Араб сиёсий-маданий ҳаётида араб ёки мусулмон бўлмаганларга берилган мақом ва баҳо идентикликнинг рамзий чегараларини белгилаб келган. Ислом динидаги “Аҳл ал-китоб”, “Ажам”, “Кофирун” категориялари цивилизацион муносабатлар иерархиясини шакллантирган.

Маданий архетиплар билан сиёсий институтлар ўртасидаги ўзаро таъсирни таҳлил қилиш миллий идентикликни концептуаллаштиришнинг муҳим методологик йўналишидир. Неоинституционал ёндашув сиёсий тузилмаларнинг маданий рамзлар билан чамбарчас боғлиқлигини ва давлат легитимлигининг айнан бу рамзлар орқали шаклланишини асослайди.

Тизимли ёндашув араб идентиклигини тарихий ривожланиш ва конструктивистик контекстда таҳлил қилиш имконини беради. Салам Хаванинг концепциясида араб маданиятининг деформацияга учраган пойдеворини замонавий шароитда қайта англаш зарурлиги таъкидланади. XX аср модернизацияси ва глобаллашуви араб жамиятларининг ички тузилмасига чуқур таъсир кўрсатди. Таълим тизими ва медиакоммуникация ривожини анъанавий ва замонавий идентификация моделлари уйғунлашувига олиб келди. Араб диаспораси, рақамли медиа ва академик мобиллик жамиятда трансмиллий ва гибрид идентиклик шакллари кучайтирди.

Гибрид идентиклик турли маданий, этник ва диний анъаналарнинг ўзаро сингиши натижасида шаклланадиган модел бўлиб, глобаллашув, миграция ва маданий диффузия жараёнлари билан боғлиқ. Хоми Бхабха ишлаб чиққан “Учинчи макон концепцияси” ушбу гибридликни янги маънолар ва маданий кодлар пайдо бўладиган оралиқ ҳудуд сифатида изоҳлайди. Стюарт Холл диаспора мисолида гибридликни статик ҳолат эмас, балки амалга ошиш жараёни деб тавсифлайди. Диний мослашув гибрид идентикликнинг муҳим йўналишини ташкил этади. Ториқ Рамазон Европадаги мусулмонларга ислом динини маҳаллий ижтимоий-маданий муҳитда қайта талқин қилиш заруриятини таъкидлайди. Араб диаспорасининг маданий ҳаёти гибрид идентикликнинг яққол намунаси деб тақдим этилади.

Бироқ гибридлик танқиддан ҳам холи эмас. Айрим тадқиқотчилар уни куч муносабатлари ва иерархияларни ниқоблашга хизмат қилувчи тушунча деб баҳолайди. Гибридлик баъзан маргиналлашув ва маданий иккиланиш каби оқибатларга олиб келиши мумкин. Араб маданий маконида гибрид идентиклик эссенциалистик дискурслар билан ёнма-ён мавжуд. XX асрдаги ислом уйғониши кўп жихатдан маданий гибридлашувга

реакция сифатида шаклланган. Шунга қарамай, гибридлик араб маданияти учун фақат таҳдид эмас, балки глобаллашув шароитида мослашув ва маданий қаршилик стратегияси сифатида ҳам хизмат қилади.

Араб муҳитида эссенциалистик моделлар асосан колониал мерос ва Ғарб экспансиясига қаршилик қиладиган “ҳақиқий” идентикликни излаш негизида шаклланган. Бироқ араб маданияти тарихий динамикаси ва хилма-хиллигини эътироф этиш идентиклик инқирозини енгишнинг муҳим шартидир. Ҳозирда идентиклик ижтимоий амалиётлар, коллектив хотира ва сиёсий тажриба орқали шаклланадиган конструктив жараён сифатида талқин қилинади. Эссенциализмни танқид қилиш анъанани инкор этишни эмас, балки уни ривожланувчи маданий жараён сифатида кўришни англатади.

Араб адабиёти ва интеллектуал элита тарихан араб миллий нарративини яратиш ва қайта талқин қилишда муҳим роль ўйнаган. Маҳмуд Дарвиш, Нагиб Маҳфуз, Мустафо Балила, Суад ас-Сабоҳ каби зиёлийлар "араб Мен" образини яратиш ва маданий ҳукмронликка қарши туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Интеллектуал элита нарратив ва рамзлар орқали миллий идентикликни шакллантирувчи воситачи сифатида фаолият юритган. Бунда айрим тадқиқотчилар араб миллий идентиклигини сиёсий лойиҳа сифатида талқин қилиб, унинг шаклланишини колониализм ва геосиёсий таҳдидларга жавоб билан боғлайдилар. Бошқа томондан, араб тили, ислом дини ва умумий хотира каби чуқур маданий омиллар контраргумент сифатида келтирилади. Муқобил ёндашувлар араб идентиклигини кўп қатламли тизим сифатида кўриб, миллий, диний ва маҳаллий ўзликларни рақобатчи эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ўлчовлар деб талқин қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш мумкинки, араб миллий идентиклиги генезиси ўзаро боғланган ижтимоий-маданий омиллар асосида шаклланган. Араб тили, ислом дини, тарихий хотира, постмустамлакачилик ва глобаллашув шароитидаги маданий зиддиятлар ушбу мажмуанинг муҳим таркибий қисмларидир. Миллий идентиклик анъанавий қадриятлар ва модернизацион ўзгаришлар, локаллик ва универсаллик ўртасидаги доимий мулоқот жараёнида вужудга келган. Араб миллий идентиклиги геосиёсий ва маданий ўзгаришлар шароитида қайта шаклланиб борадиган, интеллектуал ва фалсафий характердаги феномен сифатида намоён бўлган.

Араб мамлакатлари миллий идентиклигини таҳлил қилиш фанлараро ва комплекс ёндашувни талаб қилади. Бундай методологик модел идентикликни тарихий, сиёсий ва иқтисодий омиллар таъсирида доимий равишда ўзгариб борадиган конструкция сифатида ўрганишга имкон беради. Мустамлакачилик араб миллий идентиклиги ривожланишида бурилиш нуқтаси бўлган. Ғарб мустамлакачилик сиёсати анъанавий ижтимоий-маданий тузилмалар издан чиқишига, миллий-озодлик ҳаракатлари шаклланишига сабаб бўлган.

Колониал дискурс Шарқ ҳақидаги европацентриқ тасаввурларни араб муҳитига сингдириб, “иккиламчи идентиклик” ҳолатини юзага келтирди. Постмустамлакачилик даври дискурси эса араб жамиятларига ўзини маданий-цивилизацион субъект сифатида қайта англаш, Ғарб гегемониясига нисбатан танқидий позицияни шакллантириш ва миллий идентикликни қайта қурувчи янги интеллектуал макон яратиш имконини берди.

Модернизация ва глобаллашув араб жамиятларини анъанавий маданий қадриятларни ҳозирги дунё талаблари билан мувофиқлаштиришни тақозо этди. Ғарб ривожланиш моделининг таъсири кучайиб бораётган шароитида араб жамиятлари маданий ўзликни ҳимоя қилиш, миллий бирликни мустаҳкамлаш ва цивилизацион ўзига хосликни сақлаб қолиш стратегияларини ишлаб чиқди. Идентикликларни бирхиллаштиришга қаратилган глобалистик тенденциялар араб маданий хилма-хиллигига таҳдид деб қабул қилиниб, миллий ўзликни ҳимоя қилишга йўлидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштирди. Араб адабиёти бу жараёнда асосий ўрин эгаллаб, ижтимоий-сиёсий ўзгаришларни акс эттириш билан бирга, жамиятнинг ўтмиши ва бугунини идрок этишни белгилайдиган маданий кодларни янгидан ишлаб чиқишга хизмат қилди. Шу тариқа адабиёт замонавий араб идентиклиги мазмуни ва чегаралари учун рамзий кураш майдонига айланди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Abou-El-Fadl N. Arab Nationalism and the Postcolonial State. // *Journal of Middle Eastern Studies*. -2023. –Vol. 59(4).
2. Al-Qarni N. Postcolonial Narratives and Arab Modernity. // *Arab Studies Quarterly*. -2022. -Vol. 44(3).
3. Bhabha H. Dialogues with Members of the Audience // *The Fact of Blackness: Frantz Fanon and Visual Representation* / Ed. Alan Read. Seattle: Bay Press, 1996. P. 38-46.
4. Dawisha A. Arab Nationalism in the Twenty-First Century. –Princeton: Princeton University Press, 2020.
5. Hall S. Cultural Identity and Diaspora // *Identity: Community, Culture, Difference*. – London: Lawrence & Wishart, 1996. -P. 222-237.
6. Hawa S. Reimagining Arab Political Identity // *Canadian-Arab Studies Review*. - Ottawa: University of Ottawa Press, 2023. -Vol. 5, No. 2. -P. 158.
7. Houry F. Reimagining Arab Identity in the Global Era. // *Contemporary Arab Affairs*. -2023. -Vol. 16(2).
8. Андерсон Б. Воображаемые сообщества: размышления об истоках и распространении национализма. — М.: Канон+, 2001. -210 с.
9. Батлер Дж. Гендерное беспокойство. Феминизм и подрыв идентичности / пер. с англ. —М.: Канон-плюс, 2022. -352 с.

10. Бауман З. Текущая современность / Пер. с англ. под ред. Ю.В.Асочакова. – Санкт-Петербург: Питер, 2008. -240 с.
11. Гирц К. Интерпретация культур / Пер. с англ. –М.: РОССПЭН, 2004. -560 с.
12. Музыкаина Е.В. Современная мусульманская этика западного мира: Тарик Рамадан и Зияуддин Сардар / Е.В.Музыкаина. –М.: АНО Изд. Дом «Науч. обозрение», 2019. – 217 с.
13. Рикёр П. Память, история, забвение / пер. с фр. И.И.Блауберг, И.С.Вдовиной, О.И.Мачульской и др. –М.: Издательство гуманитарной литературы, 2004. -728 с.
14. Саид Э. Ориентализм. – СПб.: Русский Мир, 2005. – 141 с.
15. Смит Э. Национальная идентичность. –М.: Прогресс-Традиция, 1994. 187 с.
16. Фанон Ф. Проклятые этой земли. –М.: Ad Marginem, Пер. с англ. 2021.
17. Хальбвакс М. Социальные рамки памяти / пер. с фр. С.Н.Зенкина. –М.: Новое издательство, 2007. -348 с.